

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**963 Жиззах политехника институтининг архитектура ва қурилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Жиззах вилоятининг ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш орқали минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, Жиззах эркин индустриал зонасида замонавий технологиялар асосида барпо этилган корхоналар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, республика ҳудудларида архитектура ва қурилиш соҳаси ходимлари касб даражаси ва малакасини замонавий талабларга мувофиқ мунтазам ошириб бориш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Жиззах политехника институти таркибида архитектура ва қурилиш факультетини ҳамда мазкур факультет таркибида юридик шахс мақомисиз архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

архитектура ва қурилиш соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига татбиқ этиш, мутахассисларнинг лойиҳалаш ва қурилиш йўналишидаги замонавий техника ва технологиялар билан ишлаш борасидаги касбий кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш.

3. Қуйидагилар:

Жиззах политехника институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Жиззах политехника институти архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Жиззах политехника институти архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази фаолиятини ташкил этиш,

ўқув-методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Жиззах политехника институтининг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда бир ой муддатда:

архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тасдиқласин;

Марказда машғулотларни олиб бориш учун олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчиларини, малакали амалиётчилар ҳамда хорижий мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин.

5. Белгилансинки:

Марказ ўз фаолиятини ўзини ўзи молиялаштириш асосида амалга оширади;

Марказда қайта тайёрлаш ва малака ошириш архитектура ва қурилиш соҳасида иш олиб боровчи ташкилотларнинг реал ва истикболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси буюртмасига мувофиқ тўлов-шартнома асосида амалга оширилади;

Марказнинг ходимларига олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади;

Марказ директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлиги билан келишилган ҳолда Жиззах политехника институти ректори томонидан амалга оширилади;

Марказнинг хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилгунга қадар уни молиявий таъминотини амалга ошириш Жиззах политехника институтининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказда ўқитиш учун тўлов нархлари амалдаги тарифлар асосида ўқитиш ва марказни сақлаш харажатларидан келиб чиқиб Жиззах политехника институти томонидан белгиланади;

шартнома асосида ўқитиш учун олинган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар Марказнинг молиявий манбалари ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Марказда архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш параметрларини ҳар йили белгиланишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

36 (796)-сон

— 157 —

963-модда

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 сентябрь,
699-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 сентябрдаги 699-сон қарорига
1-ИЛОВА


963-модда

— 158 —

36 (796) -сон


Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

Жиззах политехника институтининг ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 сентябрдаги 699-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Жиззах политехника институти архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги
архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш минтақавий марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони — 7 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 4 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 сентябрдаги 699-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Жиззах политехника институти архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази фаолиятини ташкил этиш, ўқув-методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш				
1.	Жиззах политехника институти архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2017 йил сентябрь	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2.	Архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2017 йил сентябрь	-	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жиззах политехника институти
3.	Хорижий тажриба ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2017 йил октябрь	-	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
II. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича замонавий ўқув-методик ва ахборот-маълумотнома базасини яратиш ва профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш				
4.	Архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари модуллари бўйича ўқув-методик материалларни, шу жумладан электрон форматда ишлаб чиқиш.	2017 йил октябрдан бошлаб доимий	Жиззах политехника институтининг бюджетдан ташқари маблағлари	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Жиззах политехника институти
5.	Жиззах политехника институти расмий веб-сайтида архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказининг веб-саҳифасини яратиш, ахборот-таълим муҳитини шакллантириш (шу жумладан, онлайн-электрон ўқув материаллари кутубхонасини ташкил этиш).	2018 йил январь	-	Жиззах политехника институти

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
6.	Жиззах политехника институти архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказини республиканинг даврий илмий ва хорижий журналлари билан мунтазам таъминлаш.	2017 йил октябрдан бошлаб доимий	Жиззах политехника институтининг бюджетдан ташқари маблағлари	Жиззах политехника институти
7.	Архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида ўқув машғулотларини олиб бориш учун Самарқанд давлат-архитектура қурилиш институти ва Тошкент архитектура-қурилиш институтидан етакчи профессор-ўқитувчиларини, соҳанинг малакали амалиётчилари ҳамда хорижий мутахассисларини жалб этиш.	ўқув курслари режасига мувофиқ	Буюртмачилар маблағлари	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Жиззах политехника институти
III. Моддий-техника базани мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация ускуналари ва ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш				
8.	Архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказини Жиззах политехника институти ҳудудида жойлаштириш ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш учун эҳтиёж бўйича ўқув аудиторияларини ажратиш.	2017 йил сентябрь	-	Жиззах политехника институти
9.	Архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш учун ажратилган ўқув аудиторияларини жорий ва мукамал таъмирлашни белгиланган тартибда амалга ошириш.	2017 йил сентябрь-октябрь	Жиззах политехника институтининг бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлари	Жиззах политехника институти
10.	Архитектура ва қурилиш факультети таркибидаги архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказини асосланган буюртманомалар бўйича мебель, инвентарь, ахборот-коммуникация ускуналари ҳамда ўқитишнинг техник воситалари билан белгиланган тартибда жиҳозлаш, интернет тизимига уланишини таъминлаш.	2017 йил октябрь	Буюртмачилар маблағлари ва Жиззах политехника институтининг бюджетдан ташқари маблағлари	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Жиззах политехника институти

963-964-моддалар

— 162 —

36 (796)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 сентябрдаги 699-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙҲАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 29 июндаги 187-сон қарорининг 1-банди, шунингдек қарорга 1-илова.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 29 июндаги 187-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2014 йил 12 июндаги 157-сон қарори.